DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-63 Pages: 549-560

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



ABUL-FATH BURHAN AL-DIN NASIR AL-MUTARRIZI – A PROMINENT REPRESENTATIVE OF THE MEDIEVAL EASTERN SCIENTIFIC HERITAGE

Azimjon K. Rakhmonov
Lecturer at the Department of Eastern Philology, Alfraganus University
Independent Researcher at the Higher School of Arab Studies,
Tashkent State University of Oriental Studies
Email: raxmonoviiazimjon@gmail.com
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: al-Mutarrizi, al-Mughrib fi Tartib al-Mu‘rib, nahw, sarf, al-Zamakhshari, Arabic linguistics, Jurji Zaydan, Risalatun fi Nahw, classical Arabic lexicons, Carl Brockelmann.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: This article analyzes the life, scientific activities, and contributions of the 12th-century scholar al-Mutarrizi to Arabic linguistics. Special attention is given to the significance of his work "al-Mughrib fi Tartib al-Mu‘rib" and its place in the scientific heritage. For the first time, al-Mutarrizi's works are thoroughly examined based on various historical sources and modern research. The study reveals that al-Mutarrizi's scholarly legacy had a significant impact on the development of Arabic grammar. In conclusion, it is emphasized that studying al-Mutarrizi's scientific heritage is crucial for a deeper understanding of the Arabic linguistic traditions of the 11th-12th centuries in the Mawarannahr region.

АБУЛФАТҲ БУРҲОНИДДИН НОСИР МУТАРРИЗИЙ – ЎРТА АСР ШАРҚ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЁРҚИН НАМОЁНДАСИ

Азимжон К. Рахмонов
Алфраганус университети Шарқ филологияси кафедраси ўқитувчиси
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Арабшунослик олий мактаби мустақил изланувчиси
Email: raxmonoviiazimjon@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мутарризий, Ал-Муғриб

Аннотация: Ушбу мақолада XII

фи тартиб ал-Муърриб, наҳв, сарф, Замаҳшарий, араб тилшунослиги, Жоржи Зайдон, Рисалатун фи наҳв, классик араб луғатлари, Карл Броккелманн.

асрнинг етук олими ал-Мутарризийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва унинг араб тилшунослиги қўшган ҳиссаси таҳлил қилинади. Айниқса, унинг "Ал-Муғриб фи тартиб ал-Муърриб" асарининг аҳамияти ва илмий меросига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада ал-Мутарризийнинг асарлари биринчи марта турли тарихий манбалар ва замонавий тадқиқотлар асосида батафсил ўрганилади. Тадқиқот натижасида ал-Мутарризийнинг илмий мероси араб грамматикасининг шаклланиши ривожига сезиларли таъсир кўрсатгани аниқланади. Хулоса ўрнида, ал-Мутарризийнинг илмий меросини ўрганиш XI-XII асрлар Мовароуннаҳр араб тилшунослиги анъаналарини янада чуқуррок англаш учун муҳим экани таъкидланади.

АБУ-ЛЬ-ФАТХ БУРХАН АД-ДИН НАСИР АЛЬ-МУТАРРИЗИ – ЯРКИЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЬ СРЕДНЕВЕКОВОГО ВОСТОЧНОГО НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ

Азимжон К. Рахмонов
Преподаватель кафедры восточной филологии Университета Аль-Фрагани
Независимый исследователь
Высшей школы арабоведения Ташкентского
государственного университета востоковедения
Email: raxmonoviiazimjon@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: аль-Мутарризи, Аль-Муғриб фи тартиб аль-Муърриб, нахв, сарф, аз-Замахшари, арабская лингвистика, Джурджи Зайдан, Рисалятун фи нахв, классические арабские лексиконы, Карл Броккельман.

Аннотация: В статье анализируются жизнь, научная деятельность и вклад ученого XII века аль-Мутарризи в арабскую лингвистику. Особое внимание уделяется значимости его труда «Аль-Муғриб фи тартиб аль-Муърриб» и его роли в научном наследии. Впервые произведения аль-Мутарризи подробно исследуются на основе различных исторических источников и современных исследований. В результате исследования выявлено, что научное наследие аль-Мутарризи оказало значительное влияние на развитие арабской грамматики. В заключение подчеркивается, что изучение научного наследия аль-Мутарризи важно для более глубокого понимания арабских лингвистических традиций XI–XII веков в регионе Мавераннахр.

Кириш. Абу ал-Фатҳ ва Абу ал-Музаффар Носир ибн Абду Саййид Абу ал-Макорим ибн Али ибн ал-Мутарризий, Бурҳониддин Хоразмий ҳанафий мазҳабига мансуб бўлиб, «ал-Мутарризий» номи билан машҳур бўлган. Ушбу мақола ал-Мутарризийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва асарлари ҳақида тўлиқ маълумот беришга қаратилган. Ал-Мутарризий XII асрда яшаб ўтган улуғ алломалардан бири бўлиб, араб тили грамматикаси, фиқҳ ва адабиёт соҳаларида муҳим асарлар яратган. Унинг илмий мероси нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам катта аҳамият касб этган. Айниқса, унинг "Ал-Муғриб фи тартиб ал-Муъриб" номли асари араб луғатшунослиги бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, ал-Мутарризий араб тилшунослиги соҳасига беқиёс ҳисса қўшган олимлардан биридир. Унинг асарлари илмий анъаналар ва араб тилини ўрганишнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Шунга қарамай, унинг ҳаёти ва ижоди ҳанузгача тўлиқ тадқиқ қилинмаган ва бу мавзуни янада чуқуррок ўрганиш зарурияти мавжуд. Мақоланинг мақсади ал-Мутарризийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва унинг асосий асарларини ўрганиб, уларнинг илмий аҳамиятини очиб беришдир. Ушбу тадқиқот доирасида асосий манбалар – Ибн Халликан, Ёқут ал-Ҳамавий ва ас-Суютий асарлари таҳлил қилинади. Шунингдек, Карл Броскелманнннинг тадқиқотлари ва замонавий илмий мақолалар ҳам таҳлил обекти сифатида фойдаланилади.

Мақола қуйидаги асосий саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади:

1. Ал-Мутарризийнинг илмий фаолиятининг асосий йўналишлари қандай эди?

2. У яратган асарлар қандай илмий ва амалий аҳамиятга эга?

3. Унинг араб тилшунослигига қўшган ҳиссаси нимада намоён бўлади?

Ушбу тадқиқот орқали ўқувчи ал-Мутарризийнинг илмий меросини чуқуррок англаб етиши ва унинг араб тилшунослиги анъаналаридаги ўрнини баҳолаши мумкин бўлади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу тадқиқотда тарихий-таҳлилий ва қиёсий усуллар асосий методологик ёндашув сифатида қўлланилди. Асосий манбалар – Ибн Халликан, Ёқут ал-Ҳамавий ва ас-Суютий асарларининг қўлёзмалари ва нашрлари ўрганилиб, уларнинг мазмуни таҳлил қилинди.

1. Тарихий-таҳлилий усул – ал-Мутарризийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар ва илмий манбалар чуқур таҳлил қилинди. Бу усул орқали олимнинг илмий мероси ва унинг давридаги илмий анъаналар билан боғлиқлиги ўрганилди.

2. Қиёсий-таҳлилий усул – ал-Мутарризийнинг "Ал-Муғриб фи тартиб ал-Муъриб" асари бошқа наҳв илми асарлари билан солиштирилиб, унинг илмий янгиликлари аниқланиб, араб тилшунослигига қўшган ҳиссаси баҳоланди.

3. Манбалар таҳлили – Асосий ва иккиламчи манбалар, хусусан, Броскелманнннинг тадқиқотлари ва замонавий мақолалар, ал-Мутарризийнинг илмий меросини ўрганиш учун асосий воситалар сифатида ишлатилди.

Ушбу усуллар ал-Мутарризийнинг илмий фаолиятини ҳар томонлама ёритишга ва унинг илмий меросини чуқур ўрганишга имкон беради.

Натижалар.

1) Ҳаёти ва илмий фаолияти.

Ал-Мутарризий ҳанафий мазҳабига мансуб бўлиб, илмий фаолиятини Хоразмда бошлаган. У илмни отаси ва Замахшарийнинг шогирди бўлган Абу ал-Муайяд ал-Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккидан ўрганган. Шунингдек, Абу Абдуллоҳ ат-Толибдан ҳадис илмини ўрганди. Мутарризий ўз даврининг машҳур уламоларидан бири бўлиб, ал-Бақолий ва ал-Ҳирозий каби шайхлардан сабоқ олган. У Бағдодда фиқҳ олимлари билан баҳс-мунозаралар олиб борган ва араб тили ҳамда адабиётида юксак билим даражасига етган. Унинг замондошлари уни «Замахшарийнинг вориси» деб атаганлар. У ҳижрий 538-йил (милодий 1144-йил) Ражаб ойида Хоразм вилоятининг маркази ва энг йирик шаҳри бўлган Журжония (Урганч) шаҳрида туғилган ва шу ерда вояга етиб, таҳсил олган. Сўнгра у Хоразм ва бошқа шаҳарларни кезиб, ўз даврининг машҳур уламоларидан бўлган ал-Бақолий ва ал-Ҳирозий каби шайхлардан турли фанларни ўрганган ва айниқса, ҳанафий фиқҳ соҳасида катта шухрат қозонган. Мутарризий машҳур олим Замахшарий каби муътазилий эътиқодига мансуб эди. У ҳижрий 601-йилда (милодий 1204-йил) ҳаж сафарига чиқиб, йўлда Бағдодга борган ва у ерда ўз асарларидан айримларини тақдим этиб, фиқҳ олимлари билан баҳс-мунозаралар олиб борган. Адабиёт ва тил соҳасидаги мутахассислар ундан билим олиб, кўплаб замондошлари унинг ҳузурида таълим олишган. Унинг илмий салоҳияти кенг тарқалиб, одамлар ундан катта фойда кўрганлар. У фиқҳда моҳир, араб тили ва адабиётини пухта эгаллаган ва унинг нозик жиҳатларини мукаммал ўрганган олим эди. Уни ҳатто, замондошлари: «Ўз даврида ундан кўра наҳв (араб грамматикаси), тил, шеърият ва жоҳилият даври тарихи ва унга оид билимларни яхшироқ биладиган одам йўқ эди,» — деб таъкидлаганлар. (Hamevî, Y., 1991, p. 1174)

Мутарризий билан замондош бўлган Ёқут ал-Ҳамавий ўзининг «Муъжам ал-Булдан» асарининг муқаддимасида уни шундай таърифлайди: «Адабиёт соҳасида улуғ имом, мураккаб масалаларни ҳал қилишда ишончли ва доно шайх эди.» (Hamevî, Y., 1991, p. 1174). Мутарризий «Замахшарийнинг халифаси» (ворисi) лақабини олган. Бунинг сабаби, у Замахшарий вафот этган йили ва айни ўша шаҳарда туғилган ва унинг муътазилий таълимотини давом эттирганидир. У «ал-Муғриб» номли асарида Замахшарийни бир неча жойда «устозим» деб тилга олади ва унинг машҳур асари «Асос

ал-Балоға»дан иқтибослар келтиради. Баъзи муаллифлар, жумладан, ас-Суютий «Буғят ал-Вуъаҳ» асарида, Тошкабрий «Мифтаҳ ас-Саъада»да ва кейинчалик Сиддиқ Ҳасанхон «Абжад ал-Улум»да ал-Мутарризийни Замахшарийдан таълим олган деб нотўғри маълумот берганлар. Аслида эса, Замахшарий вафот этганида Мутарризий ҳали ёш бола бўлган. Мутарризийнинг оиласи ҳақида деярли маълумот сақланмаган, фақатгина унинг бир ўғли бўлиб, исми Жамалиддин эди. Отаси унга «Ал-Мисбаҳ фи ан-Наҳв» (Наҳв бўйича чироқ) номли асарини бағишлаган. Бундан ташқари, ўғли Қуръонни ёд олганидан кейин «Ал-Иқнаъ» номли асарини ҳам ёзиб тугатган. (Çöğenli, M. 1986, p. 47-48)

Мутарризий ҳижрий 610-йилнинг (милодий 1213-йил) Жумад ал-ула ойининг 10-, 11- ёки 21-кунида Хоразмда вафот этган. У 70 ёшдан ошганида оламдан ўтган ва унинг вафотига 300 дан ортиқ шоирлар марсиялар битган.

Унинг айрим шеърлари турли китобларга тарқалиб кетган бўлиб, баъзан бадиий услубга ортиқча эътибор берганини кўриш мумкин. Масалан, қуйидаги мисрада бу яққол сезилади:

«Мен шон-шуҳратдан уяламан, агар уни фақат гўзал аёллар ёки қўшиқлар дўст тутса.» (Ibn Khallikān, A. A. 1968, p.845)

Яна бир байти эса қуйидагича:

«Замон менинг ҳаққимни кўрмасликка ҳаракат қилади,

Кўр-кўрона гапириш рангпар ой учун доғдир.

Агар фазилатларимни тан олмасангиз,

Уни эшитувчилар учун менинг овозимнинг ўзи кифоя қилади.» (Ibn Khallikān, A. A. 1968, p.846)

2) Асарлари ва уларнинг аҳамияти

Мутарризий бой илмий мерос қолдирган бўлиб, унинг асарлари чуқур билим ва кенг қамровли тадқиқотларидан далолат беради. Ҳозиргача унинг учта муҳим асари нашр этилган:

1. «Ал-Мисбаҳ» – Наҳв (араб грамматикаси) бўйича қисқача қўлланма. Бу асар Лакхнау (Ҳиндистон)да нашр этилган, аниқ санаси маълум эмас. Ушбу асарга кўплаб шарҳлар ва изоҳлар ёзилган.

2. «Ал-Муғриб фи тартиб ал-Муъриб» – Бу Мутарризий томонидан тартибга келтирилган луғат асари бўлиб, тилшуносликка оид муҳим манба ҳисобланади.

3. «Ал-Изоҳ фи шарҳ Мақомат ал-Ҳаририй» – Бу Ҳаририйнинг машҳур «Мақомот» асарига ёзилган шарҳдир. Баъзи манбаларда бу асар «Шарҳ ал-Мақомот» номи билан ҳам юритилади. Ёқут ал-Ҳамавий бу асарни жуда мақтаган бўлса-да, жой номлари

ҳақидаги баъзи таърифларига танқидий ёндашган. Ушбу асарнинг бир нусхаси Ливаннинг Марунийлар кутубхонасида сақланади.

Жоржи Зайдон ҳам Мутарризий ҳақида ўз асарларида эслатиб ўтган. У ўзининг «Тарих адаб ал-луға ал-арабийя» (Араб тили адабиёти тарихи) асарида Мутарризийнинг «Шарҳ мақомат ал-Ҳаририй» асарининг бир нусхаси Миср Миллий Кутубхонасида сақланаётганини қайд этган. Ушбу асар ҳижрий 1372-йилда (милодий 1953-йилда) Эронда литографик усулда босилган, асар 229 бетдан иборат. (Çöğenli, M. S. , 2006, p. 68)

Мутарризийнинг дунёнинг турли мамлакатларида қўлёзма ҳолида сақланаётган ва ҳануз нашр этилмаган асарларидан айримлари қуйидагилардир:

1. «Ал-Иқнаъ лима Ҳавия Таҳта ал-Қинаъ» – Бу асар луғат соҳасига оид бўлиб, сўзлар мавзулар бўйича тартибланган. Жоржи Зайдон бу асар ҳақида шундай ёзади:

«Бу китоб турли луғавий бирликларни тўплайди ва мавзулар бўйича тасниф қилади. Унинг қўлёзмалари Париж, Берлин ва Испаниянинг Эскориал кутубхонасида сақланади.» Шарқшунос олим Карл Броскелманн эса Туркиядаги Файзуллоҳ кутубхонасида «Кашф ал-Қинаъ» номли китоб борлигини ва бу, эҳтимол, Мутарризийнинг «Ал-Иқнаъ» асари бўлиши мумкинлигини тахмин қилган.

2. «Рисала фи иъжаз ал-Қуръан» – Қуръоннинг мўжизалиги ҳақида рисола. Бу асарни ҳам Броскелманн эслатиб ўтади ва унинг Мадина шаҳрида қўлёзма нусхаси борлигини айтади. Бундан ташқари, бу рисола ҳақида Германия Шарқшунослик Жамиятининг тўққизинчи сони, 106-бетида маълумот берилган.

3. «Рисала фи баян ал-иъжаз фи сураҳ қул я айюҳа ал-кафирун» – Қуръондаги «Қул я айюҳал-кафирун» сурасининг мўжизалиги ҳақида рисола. Бу асарнинг қўлёзма нусхаси Мисрдаги Хазонат ат-Таймурийя кутубхонасида сақланади.

Мутарризий бундан ташқари, ҳозирда йўқолган кўплаб асарлар қолдирган. Улар орасида «Ал-Муғриб фи ал-луға» асари алоҳида эътиборга лойиқдир. «Ал-Муғриб фи ал-луға» – Бу катта ҳажмдаги луғавий асар бўлиб, ўзи ёзилган даврдан бошлаб камдан-кам учрайдиган нодир манба ҳисобланади. Мутарризий ўзининг машҳур «Ал-Муғриб фи тартиб ал-Муъриб» асарини аввал кенг ҳажмда ёзган, кейинчалик уни қисқартириб, тартибга келтириб, араб алифбоси тартибида «Ал-Муғриб» номи билан қайта ишлаган. Ушбу янги таҳрирда у турли манбалардан фойдали маълумотлар ва қўшимчалар киритган.

Мутарризийнинг бошқа муҳим ва кам маълум бўлган асарларидан баъзилари қуйидагилардир:

1. «Ал-Ифсаҳ» – Бу асар ҳақида Исмоил Пошшонинг «Ҳадийят ал-Орифин» асарида маълумот берилган. Унга кўра, бу Мутарризийнинг Ҳаририй мақомаларига ёзган шарҳи ҳисобланади. Бироқ, бошқа манбаларда бу асар «Ал-Изоҳ» деб номланади ва бу

ном аниқроқ ҳисобланади. «Ҳадийят ал-Орифин»даги номнинг ноаниқлиги туфайли, бу асар нотўғри шаклда қайд этилган бўлиши мумкин.

2. «Муқаддима фи ал-Мантиқ» – Бу асар баъзан «Ал-Муқаддима ал-Мутарризия» номи билан машҳур. Айрим тадқиқотчилар бу асарни Мутарризийга нисбат беришган. Бироқ, Имом аз-Заҳабий бу фикрни рад этиб, асарнинг муаллифи аслида Абу Абдуллоҳ ас-Сулами ал-Мутарриз эканини айтади. Бу олим ҳижрий 456-йилда (милодий 1064-йилда) Шом (Дамашқ) шаҳрида вафот этган.

3. «Заҳр ар-Рабиъ фи илм ал-Бадиъ» – Бу асар бадиий санъатлар ҳақида бўлиб, у ҳақида Тўшкабрийзоданинг «Мифтаҳ ас-Саъада» асарида эслатиб ўтилган. Шунингдек, Кашф аз-Зунун (1/233) асарида ҳам бу китоб қайд этилган.

4. «Рисалат ал-Мавла» – Бу асар ҳақида бошқа манбалар маълумот берилмаган, бироқ Мутарризий уни «Ал-Муғриб» асарининг «Валий» бобида эслатиб ўтади.

5. «Рисалатун фи Наҳв» - «Ал-Муғриб фи тартиб ал-Муъриб» асари қўлёзмаларининг аксариятида қўшимча қилиб киритилган мўжазгина асар.

6. Номсиз рисола – Мутарризий бу рисолани «Ал-Муғриб» асарининг «Ақоқа» бобида тилга олади. У ерда Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) сўзларини тушунтириб шундай дейди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: (Ақиқа деманглар, насия ёки қурбонлик денглар, чунки бу сўзда ёмон белги бор деб ҳисобланган).» (Mutarrizî, A. 1979 p. 287) Мутарризий бу мавзуни ўзининг алоҳида бир рисоласида батафсил ёритганини айтади, лекин бу рисоланинг номи кўрсатилмаган.

Мутарризийнинг бу асарлари ҳозирча тўлиқ ўрганилмаган ёки босилиб чиқмаган бўлса-да, улар унинг чуқур илмий билимлари ва турли соҳаларга қизиқишини акс эттиради.

3) Ал-Мутарризийнинг илмий мероси ва араб тилшунослигига таъсири

Мутарризийнинг асарлари мусулмон дунёсида кенг тарқалган ва уламолар томонидан кенг фойдаланилган. Унинг асарлари ҳанафий мазҳаби доирасидаги фиқҳий масалаларни изоҳлашда асосий манба бўлган. Айниқса, «Ал-Муғриб» асари фиқҳий терминларни тушунтиришда бошқа луғатлардан ажралиб туради. Мутарризийнинг илми фақатгина фиқҳ билан чекланмай, араб тилининг бадиий ва грамматик жиҳатларига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг шеърлари ва назмий ифодалари адабий маҳоратининг юқори даражасини кўрсатади.

Мутарризийнинг «Ал-Муғриб фи Тартиб ал-Муъриб» асари луғавий ва фиқҳий энциклопедия бўлиб, унда айниқса Ҳанафий мазҳаби фиқҳий асарларида учрайдиган ғариб (ноаниқ ёки кам ишлатиладиган) сўзларни изоҳлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу жиҳатдан ушбу асар Абу Мансур ал-Азҳарининг «Аз-Зоҳир» ва ал-Фаюмийнинг «Ал-

Мисбаҳ ал-Мунир» асарлари билан таққосланади, чунки улар ҳам Шофеъий мазҳабига оид фиқҳий атамаларга бағишланган. Бироқ Мутарризий бу чегарада тўхтаб қолмай, луғатдаги кам учрайдиган сўзлар, жой номлари ва шахслар исмларини ҳам изоҳлайди. У ўз таърифларини Қуръон оятлари, ҳадислар ва араб тилининг етук уламолари фикрлари билан далиллайди. Шу боис «Ал-Муғриб» нафақат фиқҳий луғат, балки кўп қиррали илмий энциклопедия мақомига эга.

«Ал-Муғриб»нинг ўзига хос жиҳатлари:

1. Мукаммаллик ва бетакрорлик: У нафақат ўз даврида, балки ундан кейин ҳам ўхшаши ёзилмаган мукаммал асар ҳисобланади.

2. Ноёб маълумотлар: Унда «Лисан ал-Араб» ёки «Таж ал-Арус» каби араб тилининг улкан энциклопедияларида учрамайдиган янги сўзлар ва маълумотлар мавжуд.

3. Мутарризийнинг илмий услуби: Асарда унинг чуқур тилшунослик билими ва изчил далилларга таянган мустақил фикрлаш қобилияти намоён бўлади.

Замонавий луғатшуносликда «Ал-Муғриб»нинг ўрни:

Ажабланарлиси шундаки, бу нодир асар замонавий луғатшунослик тадқиқотларида етарлича баҳоланмаган. Уни қадрлаган биринчи замонавий олимлардан бири Исо Искандар ал-Маълуф бўлган. Кейинчалик унга Доктор Ҳусайн Нассор ўзининг «Ал-Муъжам ал-Арабий» китобида ва Умар Розо Киҳола «Ал-луға ал-арабийя ва улумуҳа» асарида мурожаат қилган. Мутарризий ўзининг «Ал-Муғриб фи Тартиб ал-Муърив» асарини, айниқса, Ҳанафий мазҳабига оид фиқҳий китоблардаги мураккаб ва ноаниқ сўзларни аниқлаш ва изоҳлаш учун яратган. У фиқҳий атамаларни тўплаб, уларнинг луғавий маъносини батафсил тушунтириб, уларни аниқ талаффузини белгилаб берган. Мутарризий асарининг муқаддимасида ва маълумотлар давомида ўзининг асосий манбаларига кўплаб ҳаволалар беради.

Муҳокама. Мутарризийнинг илмий мероси ҳақида тадқиқотчилар турлича фикр билдирадилар. Баъзи манбалар уни Замахшарийнинг бевосита шогирди деб ҳисобласа-да, тарихий далиллар бу фикрни рад этади. Унинг ҳанафий фиқҳига қўшган ҳиссаси муҳим бўлиб, асарлари кейинги авлод уламоларига катта таъсир кўрсатган.

Мутарризийнинг илмий услуби танқидий ва тизимли бўлиб, у турли фанлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаган. Унинг «Ал-Муғриб» асари фиқҳ ва луғат соҳаларининг бирлашувини акс эттиради. Бироқ, айрим манбаларда унинг асарларидаги баъзи ифодалар мураккаб ва тушуниш қийинлиги ҳақида фикрлар мавжуд.

«Ал-Муғриб» асарининг асосий манбалари:

1. Луғат ва тилшунослик манбалари:

Мутарризий араб тилининг кўплаб машҳур луғатларига мурожаат қилган ва уларнинг баъзиларини бевосита тилга олган:

1) «Ал-Айн» (Халил ибн Аҳмад)
2) «Жумҳурат ал-Луға» (Ибн Дурайд)
3) «Таҳзиб ал-Луғаа» (Ал-Азҳарий)
4) «Ас-Сиҳаҳ» (Ал-Жавҳарий)
5) «Асос ал-Балағаҳ» (Замахшарий)
6) «Талабат ат-Талабаҳ» (Абу Мансур ал-Бағдодий)
7) «Ал-Ғарибайн» (Ал-Ҳаравий)
8) «Мақайис ал-Луға» (Ибн Фарис)
9) «Ислоҳ ал-Мантиқ» (Ибн ас-Сиккит)

2. Бошқа муҳим асарлар:

У фақат луғат илми билан чекланмай, турли фанларга оид асарлардан ҳам фойдаланган, масалан:

1) «Адаб ал-Котиб» (Ибн Қутайба)
2) «Ҳамасат Абу Таммам» (Абу Таммам)
3) «Китоб» (Сибавайҳ) ва унга Сирафий томонидан ёзилган шарҳ
4) «Мушкил ал-Осор» (Имом ат-Таҳовий)
5) «Маърифат ас-Саҳаба» (Ибн Манда)

3. Шогирдларининг саволлари:

Мутарризий ўз дарсларида берилган саволларга жавоб берган, бу саволлар ва жавоблар ҳам «Ал-Муғриб» таркибига киритилган.

4. «Ал-Муғриб»нинг кейинги асарларга таъсири:

Мутарризийнинг бу асари кейинчалик ёзилган кўплаб луғатлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган, жумладан:

- «Ал-Мисбаҳ ал-Мунир» (Ал-Фаюмий)
- «Муҳтар ас-Сиҳаҳ» (Абу Бакр ар-Розий)
- «Ар-Рамуз» (Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Али, вафоти: 866-ҳижрий)
- «Таж ал-Арус» (Муртазо аз-Забидий)
- «Ақраб ал-Маварид» (Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шартуний)

Баъзи муаллифлар «Ал-Муғриб» ва «Ал-Муъриб» ўртасида чалкашликка йўл қўйиб, уларни бир китоб деб ҳисоблашган. Бу хатолик кейинги асарларнинг айрим қисмларида ҳам кўринади. Мутарризий ўзининг «Ал-Муъриб» асарини аввал ёзиб, кейинчалик уни ихчамлаштириб, тартибга келтириб ва янги маълумотлар қўшиб, унга «Ал-Муғриб фи Тартиб ал-Муъриб» деб ном берган. Буни у китобнинг муқаддимасида

ҳам тушунтирган: «Ушбу китобни Ал-Муғриб деб атадим, чунки унинг тузилиши ғайриоддий, баён услуби аниқ ва мустаҳкамдир. Бу ном танловим асосли бўлиб, илдиз ва шох ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради.» (Mutarrizî, A. 1979, p. 2)

5. Китобнинг тузилиши ва тартиби:

Мутарризий бу луғатини ташкил этишнинг аниқ тизимига асосланган:

1) Алифбо тартибида жойлаштириш;

Сўзларни Замахшарийнинг «Асос ал-Балаға» услубида бошланғич ҳарфларга қараб тартиблаган. Сўзларнинг ортиқча қўшимчаларини олиб ташлаб, уларни уч ҳарфли асл илдизига қайтариб жойлаштирган. Масалан, «ад-даъва» (الدعوة) сўзини «даъава» (دعوى) илдизи остида келтирган, «ал-қазоъ» (القضاء) сўзини эса «қазоя» (قضي) остида бериб, бошланғич «алиф» ҳарфини ҳисобга олмаган.

2) Уч ҳарфдан ортиқ бўлган сўзлар;

Агар сўз уч ҳарфдан ортиқ бўлса, у биринчи иккита ҳарф ва охирги ҳарф асосида жойлаштирилган.

Масалан, «дахроṣо» (دخرص) сўзи «дахоса» (دخس) ва «дахола» (دخل) орасида жойлаштирилган.

3) Баъзи ҳолларда истиснолар;

Баъзан ушбу тартибдан чекиниб, ўзига хос тартиб билан берилган.

Масалан, «шин» ва «ҳа» ҳарфлари бўлимида сўзлар қуйидаги кетма-кетликда келади:

«шаҳб» (شهب)

«шаҳин» (شهين)

«шаҳдаж» (شهدج)

4) Қўшимча товушларнинг эътиборга олиниши ёки олинмаслиги;

Сўз бошланишидаги қўшимча «ҳамза» ҳисобга олинмайди. Масалан: «исқаъа» (إصقع) сўзи «соқоъа« (صقع) остида жойлашган. «Ва» ва «Я» ҳарфларининг баъзи ўзгаришлари ҳисобга олинмайди: «ал-иснайн» (الإثنين) сўзи «саний» (ثني) илдизи остида жойлаштирилган. «ал-жавшан» (الجوشن) сўзи эса «жашан» (جشن) илдизи билан берилган. (Mutarrizî, A. 1979, p. 28, 96, 175)

Хулоса. Абу ал-Фатҳ ал-Мутарризий Хоразмий ҳанафий мазҳаби олими бўлиб, араб тили ва фиқҳ илми ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг «Ал-Мисбоҳ», «Ал-Муғриб» ва «Ал-Ийзоҳ» асарлари ҳозирги кунгача муҳим манбалар қаторида қолмоқда. Унинг илмий мероси ҳанафий фиқҳини чуқурроқ тушуниш ва араб тилининг мураккаб жиҳатларини очиб беришда асосий рол ўйнайди.

Мутарризийнинг «Ал-Мағриб» луғати Ҳанафий фиқҳ атамаларига асосланган бўлса-да, у кенг луғавий манбалар ва бой маълумотларни ўз ичига олган. У классик араб луғатларидан фарқли ўлароқ, сўзларни фиқҳий контекст ва луғавий таҳлил асосида тартиблаган. Шу сабабли, унинг услуби кейинги луғат тузувчиларга катта таъсир кўрсатган, жумладан:

- «Ал-Мисбаҳ ал-Мунир»
- «Муҳтар ас-Сиҳаҳ»
- «Таж ал-Арус»

Шунингдек, араб тилидаги бошқа йирик энциклопедик асарлардан ажралиб турадиган луғат эканлиги билан аҳамиятли. Мутарризий баъзан сўзни ўзининг асосий таржимасида эмас, балки у билан бирга келган иборада тушунтиради, агар бу сўз келтирилган матнда учраса. Бу услуб матннинг изчиллигини бузмаслик ва тартибни сақлаш мақсадида қабул қилинган. Кейин у бу сўзнинг асосий жойига келганда, ҳеч қандай изоҳ бермасдан, илгари тушунтирилган жойга ҳавола қилади.

Бироқ, у ўз китобида бир неча жойда бу услубга амал қилмаган, ва бу ҳолатлар муҳаррирлар томонидан қайд этилган. Мутарризий ўз луғатини нафақат сўзларнинг изоҳи билан чеклаган, балки унда кўплаб лингвистик қоидалар, наҳв (грамматика) ва сарф (морфология) масалалари, ҳамда маъно ифодаловчи ҳарфлар ҳақида ҳам маълумот берган. Ушбу услубни ундан кейин келган кўплаб муаллифлар давом эттирган: масалан, Фаюмий ўзининг «Ал-Мисбаҳ ал-Мунир» асарининг охирида ва Файрузободий «Ал-Қомус ал-Муҳит» асарига «Алиф Лаййина» (юмшоқ алиф) бўлимини қўшган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Al-Dhahabī, M. U. (1992). Siyar Aʿlām al-Nubalāʾ [Lives of Noble Figures] (S. Arnawut & M. N. al-Urkusi, Eds.). Beirut: Mu’assasat al-Risala. (in Arabic)
2. Azimjon R. (2025) . Language Teaching Methods in al-Mutarrizi’s "Risalatun fi’n-Nahw" Problems of foreign language research and teaching (2181-1784), 5(20), 131-135. https://doi.org/10.5281/zenodo.14875439 (in Uzbek)
3. Brockelmann, C. (1942). Geschichte der arabischen Literatur: Supplement [History of Arabic Literature: Supplement]. Leiden. p.998 (in German)
4. Çöğenli, M. S. (2006). Mutarrizî. In Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi (Vol. 31, pp. 375–377). Ankara: TDV Publications. (in Turkish)
5. Çöğenli, M. S. (1986). el-Mutarrizî ve el-Mugrib fi Tertîbi’l-Muribinin edisyon kritiği [al-Mutarrizi and the Critical Edition of al-Mughrib fi Tertibi'l-Mu'ribin] (Doctoral dissertation, Atatürk University, Erzurum). (in Turkish)

6. Gözel, N. B. (2019). el-Mutarrızî'nin el-İknâ adlı eserinde isimler [Nouns in al-Mutarrizi's Work al-Iqna] (Master's thesis, Karabük University, Karabük). (in Turkish)

7. Hamevî, Y. (n.d.). Muʿcemu'l-udebâ' [Dictionary of Scholars]. Beirut: Dar Ihya' al-Turath al-Arabi. (in Arabic)

8. Ibn Khallikān, A. A. (1968). Wafayāt al-Aʿyān wa-Anbāʾ Abnāʾ al-Zamān [Obituaries of Eminent Men and Accounts of Their Time] (I. Abbas, Ed.). Beirut: Dar al-Thaqafa. (in Arabic)

9. Khabibullaev, A. (1995). Al-Mutarrizi and his work al-Mughrib. Sharqshunoslik [Oriental Studies], (6), 79–84. Tashkent. (in Uzbek)

10. Mutarrizî, A. F. N. (1979). al-Muġrib fî tertîbi'l-muʿrib [The Maghrib in the Classification of the Mu‘rib] (M. Fahûrî & A. Muhtâr, Eds.). Aleppo: Usama b. Zayd Library. (in Arabic)

11. Mutarrizî, A. F. N. (n.d.). al-Iqnaʿ: Limā Ḥawā Taḥt al-Qināʿ [The Convincing: What Lies Beneath the Veil]. Istanbul: Atıf Efendi Library, Manuscripts, 2688, 1b–241a. (in Arabic)

12. Nosirova, M. (2010). Arabic linguistics in medieval Khwarazm. Ta'lim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar [Social and Humanitarian Sciences in the Education System], (1), 128–131. Tashkent: Technical University. (in Uzbek)

13. Qosimova, S. (2015). The use of Arabic grammatical terms in the works of linguists from Mawarannahr. In Sharq tillari ikki tilli lug‘atlarining leksikografik tadqiqotlari. (in Uzbek) [Lexicographic Studies of Bilingual Dictionaries of Eastern Languages] (pp. 30–37). Tashkent. (in Uzbek)